

ШАРТНОМА № 6

« 3 » 12 2022 йил

Урганч шаҳри

" **НАМКOR-BIZNES-GROUP** " Маъсуляти чекланган жамияти бундан буён матнда "Бажарувчи" деб аталувчи номидан **Д.Каримов** низом асосида фаолиятни амалга оширувчи бир томондан ва **Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ** Махсус эксплуатация-монтаж бўлими бундан буён матнда "Харидор" деб аталувчи номидан **Ж.Р.Отмуратов** низомга асосан фаолият кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети.

1.1 «Бажарувчи» ўзига тегишли махсулотнани «Харидор» нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради. «Харидор» эса махсулотнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Етказиб бериш	ККС		Якуний Киймат ККС билан
						Улуши	суммаси	
1	Кургазмали плакатлар (0.85x1.37) ўлчамда (оргстекло 3мм) (1 комплектда 16 дона плакатлар бўлади) (52 дона плакатни хар 1 донасида 16 донадан плакат бўлади)	шт	52	6 956 086,96	361716521,76	15 %	54257478,26	415 974 000,03
2	Планшет кичик ўлчамдаги йўл белгилари (1.20x0.80) ўлчамда (1 комплект)	шт	52	303913,04	15 803 478,24	15 %	2 370 521,74	18 173 999,97
	ЖАМИ	**	**	**	377 520 000	***	56628000	434 148 000

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (киймати)

2.1 Шартноманинг умумий киймати **434 148 000** (тўрт юз ўттиз тўрт миллион бир юз қирқ саккиз минг) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартномаси

3.1 «Харидор» «Бажарувчи» нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган махсулот микдори суммасининг 30 фоизи олдиндан 10 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи махсулот тўлик етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2 Тўлов тури тўлов топшириқномаси билан банк орқали
(тўлов, талабномаси, тўлов топшириқномаси ва бошқалар)

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2 - бандида кўрсатилган махсулот «Харидор» га шартнома имзолангандан кейин 30 кун ичида етказиб бериши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил « 3 » декабрдан 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари.

5.1 «Харидор» нинг ҳуқуқлари:

5.1.1 Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли етказишни «Бажарувчи» дан талаб қилишга;

5.1.2 «Бажарувчи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Бажарувчи» нинг ҳуқуқлари:

5.2.1 Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Бажарувчи» дан талаб қилишга;

5.2.2 «Харидор» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асосиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1 «Бажарувчи» мажбуриятлари:

6.1.1 Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га махсулотни етказиб бериш.

6.1.2 Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол – мулк 365 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2 «Харидор» мажбурияти:

6.2.1 Махсулотни қабул қилиш далолатномаси тузган ҳолда ушбу шартномада қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатномада ёзиб 30 кун ичида Бажарувчини огоҳлантириш.

6.2.3. Махсулотни баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Махсулот бериш вақтида рия қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлик қоплайди ва 0,1 % миқдорда пеня тўлайди. Бу ҳолда пеня шартнома суммасининг 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.2. «Бажарувчи» махсулотни тўлик етказиб бермаганлиги учун «Харидор» га етказиб берилмаган ҳар кун учун махсулот баҳосидан 1 % пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол – мулк бермаган бўлса, айбдор тараф шартнома умумий суммасини 1 % миқдорда пеня тўлайди.

7.4 Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол – мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Бажарувчи» шартнома суммасини 1 % миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлик тўловни амалга оширмаса маблағ миқдоридан 0,1% пеня тўлайди, лекин пеня миқдори тўланмаган маблағ 50% миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Бажарувчи» омиборидан уз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан қузда тутилган бўлса «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Бажарувчи» га омиборда сақланганлигидан келиб чиққан зарарни ва шартнома суммасини 0,1 % миқдорда жарима тўлайди.

7.7. Неустойка (жарима) тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришда озод қилмайди.

8. Форс – мажоз ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура ва енгил бўлмас қуч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган қуч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантирилиб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Ўзаро келишуви билан ҳал этилмаган масалалар Хоразм вилояти иқтисодий судида кўриб чиқилади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1 Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қуйилгандан кейингина юридик қучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик қучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари : _____


11.3. Шартномага илова : _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«БАЖАРУВЧИ»	«ХАРИДОР»
"НАМКOR-BIZNES-GROUP" МЧЖ	Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ Махсус эксплуатация-монтаж бўлими
Манзил : Урганч шаҳри Гурлан кўчаси 80-уй	Манзил : Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хонка кўчаси 198-уй.
Тел : 97-510-40-04	Тел : 93-750-05-64
Х/р: 2020 8000 2055 3192 6001	Х/р: 401010860334017031101179007
Банк: УРҒАНЧ Ш., ЧЭКИ "INVEST FINANCE BANK" АТБ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ	Банк: Урганч шаҳар Марказий банкнинг Хоразм вилоят ХККМ
ИНН: 309 598 720	ИНН: 202 507 247
МФО: 01129	МФО: 00027
ОКЭД:	ОКЭД:

Раҳбар _____

М.Ў.



Д.Каримов



Бошлик _____

Ж.Р.Отамуратов

Хуқуқшунос: _____

М.Р.Ов М.И.Ишмаев